

525

АЛИШЕР НАВОЙ

ТОҒДАГИ
ҲАЙКАЛ

Судаймон тоғида одимлайман шод,
Гуллар чаманидир менга поёндоз.
Теграмда сайр этар бахтиёр алло —
Шоир ҳайкалига йўналиб нешвоз.
Гавжум ҳибонда турар у мағрур,
«Лаббай!» — деган каби беш асп оша.
Мунаввар кунлардан манглайда кур,
Гўё тирилгандай саҳоватпеша.
Адл чинор янги, ўртада мамун,
Нуқтани нишонга олгандай, сарбаст.
Дилларни ром этиб ва этиб мафту,
Туради Навоий, замонга пайваст.
Зиёрат қилади уни кекса-ёш,
(На жонлиқ керадир, на хайри-ахсон).
Тоғдай салбат-ла бироз эгиб бош.
Шеър ўқир доишманд меҳрибон иссон:
«Одами эрсанг демағил одами,
Ани ким йўқ халқ ғамидан ғамин».
«Менга на ишқу на давлат ҳавасдир,
Агар мен одам эрсам ушбу баддир».
Момақалдиродай янграб овози,
Титратар Судаймон тоғини буку.
Эрк ва адолатни куйлаган сози,
Яйратар қўнғиллар боғини буку.
Минг йиллар чўққисини ошди бу соз,
Ойга, Зухрога ҳам чиқди албат.
Одамдод номидан, этилиб эъзоз,
Олтидан ҳайкали кўтарди кал!
Мавлон ИКРОМ.

ҲАМИША
ЁДИМИЗДА

Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини юқори поғонага кўтарган. Ҳа асарларида чин муҳаббат, меҳнатсеварлик, дўстани каби гуманистик ғоялари олга сурган улуг эстидир.

Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби қатор асарлари бунинг намунасидир.

Фарҳод — ботир меҳнатсевар йигит, чин муҳаббат этган, халқ учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр турган, оддий халқнинг бахт-салоати учун бор кучи билан юрашган йигит. Навоийнинг ҳақиқатлари ана шундай аjoyиб инсонлар.

Улуг устозининг бундай илгор ғоялари, юксак маҳорати у ёлғиз китобларнинг абадийлигини тазмин қилади.

Навоий ижоди Шарқ адабиётининг элмаси, бутун прогрессив мажор адабиётининг ҳам хазинасига қўшилган дурдонадир. Бу билан биз — ўзбек халқи бениқал гурура-ламиз. Алоҳларимиз улуг мутафаккир, доно Алишер Навоийнинг ижодини ғоят қадрлайдилар. Бугун ўт-кавналётган катта тўй ҳам ана шу фикримизнинг ёрқин неботидир.

М. ЮСУПОВ,
«Ташсельмаш» заводининг мас-тери.

Б У Ю К С И Й М О

Мен бундан 30 йил муқаддам Алишер Навоийнинг ўлмас асарларини ўргана бошладим.
Ватанимизнинг энг бой китоб хазиналаридан бири ҳисобланган СССР Фанлар академиясининг Шарқ музейида ишлаб турганимизда, қадимий ва нодир китоблардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга эдим. Шунинг натижасида эски фан муҳлисларининг буюк ўзбек шоири Навоийга нотўғри баҳо берганликларига ишонч қозондим. Бундан йигирма йил муқаддам ўз илмий ишларимда биринчи марта Навоий асарларининг оригиналликни исбот қилишга уриндим. Мен ўшанда ғарбдаги шарқшуносларнинг Алишер Навоий дурдона асарла-

рини ўқимасдан ёки ўқисалар ҳам тушинмай, янгилиш мулоҳаза юритганликларини исбот қилдим.

Ҳозир асарларини ҳаммаси равшан. У вақтларда Алишер Навоий асарлари билан таниш бўлган рус китобхоналари жуда оз эди. Ўзбек олимлари ва уларнинг Москва, Ленинграддаги ҳамкорлари йигирма йил давомида узлуксиз қизгин илмий иш олиб бордилар. Ҳозир эса бу олижаноб мутафаккирнинг ижоди миллионларча рус ўртоқларининг севиб ўқийдиган асари бўлиб қолди. Буюк Ватанимизда, барча ерларда унинг номи фахр билан тилга олинмоқда.

Е. Э. БЕРТЕЛЬС.

Бугун ўзбек халқи барча совет халқлари ҳамда бутун прогрессив инсоният билан бир-галликда ўзининг улуг фарзанди, гениал шоир ва мутафаккир, улкан олим ва давлат арбоби Алишер Навоий тугалган кунининг 525 йиллик юбилейини нишонлайди.

Алишер Навоийнинг юбилейи совет маданиятининг катта байрами бўлиб, ана шундай юбилейлар тўғрисида халқларимиз бир-бирларини, бир-бирларининг маданиятларини яхшироқ танийдилар, улар орасидаги бузилмас дўстлик янада мустаҳкамланади.

Алишер Навоий дунё халқлари олдига ўзбек адабиётининг, умуман ўзбек маданиятининг буюк тиласидир. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Улугбек табиий фанлар тараққиётида ўзбек халқининг даҳсини қандай ёрқин намойиш қилган бўлсалар, Алишер Навоий ўз халқининг даҳсини, талант ва қобилиятини бадиий адабиёт соҳасида намойиш қилди. Шунинг учун ҳам унинг номи жаҳон адабиётининг энг улуг сиймолари қаторида тилга олинади.

Улуг шоирнинг ҳаёти ва ижоди унинг ҳаёт-лик давридаёқ ўрганила бошланган. Лекин ҳақиқий илмий навоийшунослик совет даврида бошланди. Бу даврда биринчи мартабада Навоийнинг илмий биографияси яратилди. Унинг ижоди дунёда энг илгор, революцион татлимот бўлган марксизм-ленинизм методологияси асосида ёритила бошланди. Махшур совет олимлари томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўйлаб ажойиб монографиялар яратилди ва яратилмоқда.

Навоийнинг асарлари ҳам фақат совет давридагина кенг халқ оmmasига этиб бора бошланди. Илгари Навоий асарлари асосан қўл-ёзма ҳолида тарқалган бўлса, энди улар минг-миглаб тиражларда қайта-қайта нашр қилинмоқда ва ҳар бир хонадонни беэмоқда, домий ўқини китобига айланмоқда.

Шоирнинг 525 йиллик юбилейига тайёргарлик унинг ижоди пропагандасида, унинг ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганишда ана бир янги босқич бўлди. Республикаимизнинг деярлик ҳар бир кишлоқ ва шаҳарида, қолхоз ва совхозларида, мактаб ва олий ўқув юрталарида, қорхона ва муассасаларда Навоийга бағишланган лекция ва суҳбатлар, навоийшунос олимлар билан ажойиб учрашувлар, илмий конференция ва сессиялар бўлиб ўтди. Бу учрашувларда халқимизнинг ўз шоирига, ўз маданиятига, бу маданиятнинг толиб ва билиб олшига кенг шароит яратиб берган жонажон Коммунистик партиямизга, Совет даврига чексиз муҳаббати намойиш қилинди.

Тошкент, Самарқанд, Андижон, Урганч, Фарғона, Қўқон, Қарши, Наманган, Термиз, Бухоро, Гулистон каби шаҳарларда ўтган илмий сессияларда Навоий ижодининг халқпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, меҳнатсеварлик, маърифатпарварлик ғоялари, унинг шеъринидаги юксак бадиийлик янада чуқурроқ очиб берилди ва улар навоийшунослик тарихида ёрқин сарҳа бўлиб қолди.

Бу юбилейга тайёргарлик давомида баъжарилган катта ишлардан бири шунки, Навоий асарлари биринчи мартаба ўз беш томда бо-сиб чиқарилди. Навоийнинг «Лисонут-тайёр», «Девони Фойи», «Мушоот», «Вақфия», «Ҳолати Сайид Ҳасани Ардашёр», «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад», «Назмул-жавоҳир», «Тарихи мулуки Аҳам» каби асарлари биринчи мартаба шу томлар таркибиде нашр этилди. Бу томларни нашрга тайёрлашда республикамизнинг кўзга кўринган филолог олимлари иштирок этидилар. Бу ҳол Навоий асарларини рус тилида кўп томлик шаклида нашр этишда ҳам имконият тугдирди. Шу йилдан бошлаб Муқовид Навоий асарларининг ўн томлиги рус тилида нашр этила бошлади. Бу Навоий ижодининг кенг китобхоналар оmmasига этиб боришда принципно аҳамиятга эга бўлган катта ҳодиса. Эндилкида улуг рус тили ориали Навоий асарларини жуда кўп киндилар ўқиб тушушини мумкин.

Алишер Навоий ижодида олга сурилган ғоя ва мақсадлар, буюк шеърый қобилият билан яратилган образлар, умумибашарий аҳамиятга эга. У XV асрнинг иккинчи ярмида ўрта аср Шарқ муҳитида яшаб ижод қилди. У улкан

шеърый қобилият эгаси бўлиши билан бирга ўз даврининг улуг доишманд файласуфи даражасига кўтарилди, ижодида табият ва жамият ҳодисалари ҳақида илгор позициядан туриб муҳоама юритди, ўз даврининг энг актуал энг муҳим масалаларига тинимай жавоб ахтарди. Зулм исқанасида инсон хўрланган замонда у инсонини, унинг ақл-заковати ва ғўзаллигини улуглади, инсон манфаатини халқ манфаати билан, ватан тақдир билан, ҳатто бутун дунё халқлари манфаати ва тақдир билан боғлаб ёлди.

Унинг ижоди, дунёқараш меҳнаткаш халқ орасида оддий ҳаёт кеириб юрган чоғлариде ҳалқ ва мамлакат ўз бошдан отир кунларини кеириётган шароитда шаклланди. Гарчи унинг ота ва онас ҳуқморон табақалар билан якин турган бўлса ҳам, лекин Навоий ўзини доим, ҳатто у Султон Хусайн Бойқаро подшоҳлиги даврида катта давлат лавозимларида турган вақтларида ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари билан нафас олди. Ўз ҳаётининг шу даври ҳақида гап борганда у «Вақфия» асариде «Илгитимдин келгунча зулм титин ушориб, маълум жароҳатига интиқом марҳамат қўйдим», — деб ёган эди.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори.

ЎЗБЕК
АДАБИЁТИНИНГ
ҚУЁШИ

Шунинг учун ҳам унинг ижоди чуқур халқчилик ва инсонпарварлик насб этди. У, масалан, «Ҳайратул-лабор» асариде подшоҳга мурожаат қилиб, сенин оддий одамлардан ҳеч фарқин йўқ, гўё улар лойдан яратилган-у, сен нурдан яратилган эмас-е, тўғрироғ эса сен бир қанча фазилатларга эга бўлишда, хусусан одамгарчиликда, адолатда, маърифатда улардан паст-турасан! — дейдики, бундай дейиш ўша даврда буюк гражданилик жасорати эди.

Навоий ўз асарларини халқнинг энг юксак ўрау ва интилишларидан келиб чиқиб яратди. Унинг ўлмас «Ҳамса» сидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Исқандар, Дилором, Шоир, Аҳи каби қаҳромонлари ўзларининг халқчилик, инсонпарварлик, одиллиги, мард ва қаҳрамонлиги, меҳнатсеварлиги, бошқа халқларга ҳурмат ва муҳаббати, пок виждонлиги, самимий севгини, илм ва маърифатга дўстлиги ва ҳоказо олимонаб фазилатлари билан ўзбек халқининг энг яхши ўрау ва истакларини ўзлариде гавдалантирдилар. Шунинг учун ҳам бу образлар ҳамон катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Навоий гуманизми ҳақида гап борганда шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, унинг гуманизми актив характерга эга. У ўз асарлариде подшоҳ ва унинг амалдорларининг эозимлигини фой қилиб, уларни халққа нисбатан инсоф ва адолат кўрсатиш, илжон бўлса пашшага ҳам озор бермасликка чақирар эдики, бу унинг гуманизмининг бир томони. Энг муҳим томони шундаки, у эозимларни, жамиятдаги драмас шакллари яхшиликка даъват этиш билан чекланмай, улар бу тапта қўйма-с куч билан уларнинг адабини бериб қўйишга ундайд.

Жамиятда дурф ва қарамнинг, ширин нарсаларнинг ўри, аҳамияти қанча катта бўлса, қаҳр ва жазонинг, заҳар ва ғанининг ҳам ишлатиладиган ўз ўрни бўлиб, буларсиз ёмон-бирга қадам ташлаймиз.

Лекин шу билан бирга у ўзининг ҳар бир асарини катта иқтисодий мақсадлардан келиб чиқиб ёган. Икки тилда беш дoston яратган шоирнинг қўлдан жуда кўп дostonлар ёзини келар эди. Лекин у ўзбек адабиётини фақат дostonлар билан тўлдирини истамди. Ўзбек китобхоналари учун дostonлар қанча зарур бўлса, лирик шеърлар, насрий ва илмий асарлар ёзини ҳам шунча зарур деб билди, ўз халқининг маънавий талабларини тўла ҳисобга олшига ҳаракат қилди. Шундан келиб чиқиб ўзбек тилида тўртта девон ҳам яратди. Бу тўрт девонга «Ҳазойинул-маони», «Маънолар хазинаси» деб ном берди. Бу девонлари ва дostonлари билан Навоий ўзбек шеърини ва дostonларини энг илгор, энг бой адабиётга айлантирди ва ўша даврга келиб гоят ривожланган форс-тожик ва озарбайжон адабиётлари даражасига кўтарди. Бу билан Навоий ўз халқи олдига юксак ватанпарварлик намунасини, унинг ўз тўғри билан айтганда, бадиий ҳушнинг кўрсаткичи бўлди.

Ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида Навоийнинг шеърый асарлари билан бир қаторда насрий ва илмий асарлари ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг «Маъонисун-нафос», «Муҳокаматул-лугатайн», «Меъонил-авзон», «Маҳбубул-қуллуб» каби асарлари ҳам оригинал ва чуқур илмий, адабий тайёргарлик асосида ёзилган бўлиб, Навоий даҳсининг нақадар чуқур ва кенглигидан далолат беради.

Алишер Навоий, том маънос билан сўз муланининг султони эди. У ўз илгор ғоя ва фикрларини юксак бадиий санъат билан ифода қилди, назариядагина эмас, амалда ҳам ўзбек тилининг бутун ғўзаллиги ва нафосатини намойиш қилди. Ўз лирик ва эпик асарларини у инсон психологиясига чуқур кириб, унинг ранг-баранг ички кечинмаларини ёрқин ва ҳақиқий қилиб тасвирлай олди. Шунинг учун ҳам бу асарлар ҳамон бисин ўзига меҳр-у эҳди, эҳтишолантирадиган Кўч йўқин, биз радиолар ёки «сапгори эҳрай»дан унинг қўйга солинган гавзаларини эшитиб, завқ олмайлик. Масалан, унинг:

Кўргали ҳуснуни зару мубтола қилим санго.
Не баловил кун элимиз ошно бўлим санго... —

деб бошладиган гавзалари олайлик. Бу солда самимий мисраларда инсон қўлбўйин бил-дурлай соф хис-тўғилари, орау ва армонлари, халқон ва китобларни нақадар позик ва таъсирчан ифодаланган!

Биз Навоийнинг шеърый босидаги маҳоратига ҳар каламда қойил қоламиз. Навоий доим яхшиликка интилди, ҳар бир асари билан ўзбек шеъринида янги бир кўриш очди. Шунинг учун ҳам Навоийдан кейин ашаб ижод қилган деярлик барча ўзбек шоирлари уни ўзининг буюк устози деб таниди, ундан ўрганди. Ўзбек совет адабиётининг тар-биячиети ҳам Навоийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Навоий ҳақида яратилган совет ро-мани, пьесалари ва поэзия асарларида эса у ўзининг энг яхши фазилатлари билан гавдал-ламоқда, унинг асарларининг, шахсиятининг аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда.

Навоий ўзбек адабиётининг қўёшдир. Унинг орауларни бисининг давримиздагина амалда ошмоқда. Ўнга қизиқини ва муҳаббат ҳеч қачон сўймайди. Совет кишлоқларини ҳар бир авлоди унинг ижодлари ўзига энг зарур бўлган фидо ва образларни топади.

Шунинг учун биз Навоийни ўз улуг замон-дошмишдек қўтаймиз ва доим олға у билан бирга қадим ташлаймиз.

Э. УСМОНОВ.



Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида Ўзбекистон рассомларининг шоир ҳаётига оид қатор асарлари кўйилган. Суратда: рассом Н. Қўзйбоев ва Б. Фадеевнинг «Алишер Навоий» ҳамда Ж. Умарбековнинг «Беҳзод шоирларни бил-ди» номли асарлари.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Ш О И Р
ЮБИЛЕЙИГА

Ўзбек давлат филармониясидаги «Гўлдаста» ва «Лазги» симфоник оркестрининг инюк коллективи Алишер Навоий тугалган кунининг 525 йиллигига атаб катта, қизиқарли про-грамма тайёрламоқдалар.

Бунда симфоник асарлар катта ўрин эгаллайди. Жумла-дан, Мутал Бурхоновнинг «На-воий хотираси» қасидаси, Г. Мушелнинг иккинчи симфония-си бор. Юбилей кунларида Д. Зокиров, М. Ашрафий, Х. Изо-мов, Г. Қодиров ва бир қатор композиторларнинг асарлари томошабинлар эътиборига ҳаво-ла қилинади.

В. ВИЛЬЧИК.

ОЛИМЛАР
ТУХҒАСИ

Ўзбекистон Фанлар Акаде-миясининг Пушкин номи тил ва адабиёт институти олимлари Навоийнинг адабий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишда жонбозлик кўрсаталтилар.

Институт тайёрлаган «На-воий ва адабий таъсир масала-лари» деб номланган тўплам-да республикамизнинг кўзга кўринган навоийшунос олим-ларидан В. Зоҳидов, И. Сул-тон, Қ. Екубов, А. Мирзоёв, А. Ҳайитметов, В. Абдуллаев, Л. Қаюмов, Ф. Абдуллаев, С. Ганиева ўз фикр ва мулоҳа-залари билан қатнашганлар. Бу тўпламда қардош республи-

калардаги навоийшунос олим-ларнинг мақолалари ҳам ўрин олган.

Қўсонди ўқувчилар оmmasи-ни мамнун этган Навоийнинг 15 жыллик асарлари мажмуа-сини ҳам институт олимлари нашрга тайёрлашди. Шоирнинг энг қадимий кўлбёмалари асо-сида нашр этилган бу асарлар Навоий меросининг энг тўлиқ ва мунаммал нусхалари ҳисоб-ланади.

Шунингдек, институт олим-лари Навоий номидаги музей-нинг илмий ходимлари билан ҳамкорликда буюк мутафак-кирнинг 10 жыллик рус тили-да чиқаётган асарлар тўплами-

ни нашрга тайёрладилар. Шу лойтгача рус тилига таржима этилмаган «Ҳайрат-ул-аброр» дostonини филология фанлари доктори А. Ҳайитметов, «Маъо-лисун-нафос»ни филология фанлари кандидати С. Ганиева, эса филология фанлари доктори А. Қаюмов сўзма-сўз тар-жиме қилдилар.

Олимларимиз Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузурида чиқадиган «Ўзбек тили ва ада-биёти» журналининг 3-сонини тўлалигича Алишер Навоийга бағишладилар. Бу сонда олим-ларимизнинг янги тадқиқотла-ри билан биргаликда буюк му-

тафаккир — Алишер Навоий ҳақида айтган дурдона фикрла-ри ҳам ўрин олган.

Шоир юбилейи арафаларида И. Султоннинг «Навоий қалб-лафтери», С. Ганиеванинг «На-воийнинг ҳаёти ва ижоди», Т. Ахмедовнинг «Навоийнинг ҳақида» асарлари, шунингдек, П. Шамсиев, А. Абдуғафуров, С. Эркиновларнинг докторлик диссертациялари ҳам нашрдан чиқад.

Шу кунларда институт олим-лари октябрь ойида Москвада ўтказиладиган илмий сессияга қизгин тайёргарлик кўрмоқда-лар.

Э. УСМОНОВ.



Қуйишев қўчасига жойлашган тарих музейида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида оид жуда кўп қизиқарли ҳужжатлар маъ-жуд. Суратда: шоир ҳаётини акс эттирувчи стендлардан бири.

И. Шмуклер фотоси.

НЕОБВОДИ

525

БЕБАХО ХАЗИНА

Бугун ўзбек диёрида улкан тўй, тантана. Маданиятимизнинг натта байрами! Бугун ўзбек маданияти тарихи китоби саҳифасига олтин ҳарф билан ёзилган кун. Ҳа, бугун ўзбек шеърининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг муборак юбилейи нишонлаётимиз.

Элли элига дондорлари танитар, дейди халқимиз. Улғи Алишер Навоий ўзбек шеърининг янги поғонага кўтарди. Бу улғу зот жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўша олди. У ўзининг ажойиб гуманистик, халқ севарлик ва ватанпарварлик ғояларини ҳайратомуз юксак ва бой бадий маҳорат билан ифодалади, адабиётимиз тарихида янги босқич очди. Унинг асарларини ҳар ўқиганимизда лиғ-яғи маъно келиб чиқаради.

Шунинг учун ҳам унинг номи, бой ижодиёти тилларда, элларда дoston бўлди. XVI асрдаёқ Парижда чиққан энцклопедияда шоир буюк сиймолар сифатида улуғланди.

Алишер Навоий умри бўйи кишиларга яхшилик қилишга уринди, бунга ўзи учун улкан саодат деб билди. Шоирнинг эзу оғузи беҳуда кетмади. Унинг фалсафий, гуманистик ғоялари асрлар оша прогрессив роль ўйнаб келмоқда.

Шоир адабиёт тарихида халол меҳнат кўчиси сифатида салмоқли эъл қолдири. Шоирнинг дostonлари, ғазал ва туюқлари ёд бўлиб кетган.

Бугунги кунда унинг «Фарҳод ва Ширин»и, «Лайли ва Мажнун»и саҳна юзиди кўриди. Эҳтирос билан тасвирлаган Дилором бастакорлар, кино санъаткорлари илҳомига илҳом кўтирди. Алишер Навоий ажойиб маънавий бойликлар яратган экан, у қалбларимизда абдий яшайди, унинг бебаҳо асарлари асрлар оша севиб ўқилади.

А. ОБИДОВ,
профессор,
М. БАҲОДИРОВ,
доцент.

НАВОЙ ҚАЛБИМИЗДА

Қолқонимиз Навоий номи билан аталади. Биз бундан фойдаланамиз. Қишлоғимиздаги натижадорлик севимли шоиримизнинг ғазалларини, дostonларини севиб ўқиймиз.

Алишер Навоийнинг дostonлар меҳнатини улуғлаб ёзган суларни бизни айниқса қувонтиради. Унинг натта тўй-туғилганига 525 йил тўлган кунда биз дostonлар кўпчилиги натори нуда хурсандимиз.

Тўйнинг муборак, улғу мутафаккир шоир Алишер Навоий Н. САИДОВ, Калинин районидаги Навоий номи илҳозининг раиси.

А. НАВОЙ

ҒАЗАЛ

Эй сабо, ҳолим бориб сария хиромонимга айт,
Инғиларимнинг шиддатни гудбарги хандонимга айт.
Буки онинг аҳду паймонига мен ўлсам доғи,
Яхши фурсат топсанг, улбат аҳду паймонимга айт.

Буки онинг зулфи зуннорига дилим ҳосили,
Қуфр ила бўлмиш мубаддал, юмусулмонимга айт.
Буки қилишмен жаҳону жонин онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жанонимга айт.

Буки юз жон садқаси қилсам нушаймон бўлмоғим,
Васлига бир ваъда қилгондин нушаймонимга айт.
Буки юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсиян,
Қилмоғим назора ҳаргиз кўн фаттонимга айт.

Буки чок айлаб ифо усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар бебоки идонимга айт.
Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканни,
Юзи гул, жисми сумаи, кўн гулистонимга айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшанининг сеингдек ҳушнано
Булбули йўқ эрканнинг тоғи суҳандонимга айт.

Суратда: мўйқалам соҳиблари яратган Навоий қаҳрамонлари.

Тошкент чинки заводи коллективининг шоир юбилейига армуғони. А. Абалаев фотоси.



НАВОЙ ДИЁРИГА САЛОМ

Тўй билан қўтлай сени, қардошларинг қатори.

Салом, Ўзбекистон, Навоийнинг диёри,
Азиз арман юртимни қўламлиқидир.

Алишер,
Мен ҳам сени улуғлаб яратгумдир кўшми,
Шеър.

Сенинг улғу шоиринг, ёқин куйчинг Навоий,
Маҳд этган орди яна Арманистон чиройи.

Ардоқлади арман қиз Навоийнинг орзусини,
Дostonига тоғ, водим бағишлади кўрк,

хусн,
Менинг ўлкамга шоир боққанки, ошқонча,
Фарҳодга арман қизин Ширин бўлди

Навоий бу гавҳарини—соҳибжамол бу қизин
Шеъринг саройида баланд тахтга ўтирди.

Бу сарой бизнинг кунда, бу қардош онладан
Чарақлади, эниси оламга ёйилмоқда.

Арман юрти шоирини бир умр ардоқлади,
Аср-асрлар оша қўлёмасини сақлади.

Қадим кутубхонамиз кучоғида жой олиб,
Яшади ғазаллари қалбларга меҳр солиб,

Новидан, маконидан халқим жудо бўлган кўн,
Лекин қўлёмаларин асраган жондай кўриб.

Ўзи тўққан шоирлар қаторида бу элим,
Сақлаган Алишернинг қўтуғ нафасини—

дилни.
Бу азиз қўлёмани тўйингизга тўёна,
Қилмоқда менинг халқим, қабул этингиз,

Навоий байтини ўқиб орди ишқим ва мада,
Қабул этинг қардошлар, гувоҳдир ушбу

Мехрим,
Шеърим

Қабул этинг қардошлар, гувоҳдир ушбу шеърим

Ю. ШОМАНСУР таржимаси.

МЎЙҚАЛАМ МЕҲРИ БИЛАН

Тошкентдаги Алишер Навоий музейида тасвирий санъат усталари ва ҳайкалтарошларнинг натта кўргазмаси очилди.

Бу кўргазмага қўйилган асарлар расмолар ва халқ меъморларининг улғу шоир тўйига янгидай тайёргарлик кўргазмидаги далолат беради.

Алишер Навоий образини тасвирий санъатда ҳақоний ғавдалантира олган расмолар В. Е. Кайдаловнинг ишларини алоҳида кайда этиб ўтиш лозим. У шоир образини пратишга 1940 йилдан бошлаб киришган эди. Унинг уша даярда яратган асари нуда юксак баҳолаган ва расмнинг шоир образини пратиш орузига қанот берган эди.

Улғу Ватан уруши йилларидан кейин Кайдалов Навоий образини пратишга найтадан киришди.

1948 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан Кайдалов янги асар пратиди.

А. Асарда шоирнинг ўйчан бир кўнрада Ҳиротга назар ташлаб ўтирилган тасвирланган. Унинг олдига хатчўп сонинган китоб ва шеър бичинган қозғолар турибди.

Худуди шу композиция билан унинг янги асарига ҳам тақрирланган. Бирок бу асарда шоирнинг образи бирмунча сайқал топиб янада жонлироқ чиққан. Бу

асар яқинда Давлат бадийи нашриёт томонидан плакат қилиб чиқарилди. Расмнинг «Ҳамса»га ишлаган суратлари ҳам унинг энг яхши асарлари жумласидандир.

Республикамизнинг бошқа қатор мўйқалам усталари шоир ижодини, у яшаган тарихий муҳитни кўн билан ўрганиб, нуда кўн ранг-баранг асарлар пратишди. Жумладан, А. Абдуллаев, А. Назиров, Б. Бобоев, Р. Чориев, Қ. Носиров ва бошқалар Навоийнинг ҳақоний образини пратиб, тасвирий санъатимизни янада бойитдилар.

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби З. Ингомовнинг «Навоий мусиқчилар орасида» номи асари барчаннинг диққатини жалб этади. Асарда тасвирланган, Алишер Навоий хонанда ва бастакорларга ўз шеърларини ўқиб берипти. Тингловчиларнинг диққати шоирга жалб этилган. Гулға тўлган водийнинг асар руҳига сингириб юрилиши бу асарни янада ғузаллаштирган, композициясини тўлдирган. Ингомов бу асарини шари миннаторларни руҳида пратган.

Расм Х. Эминнинг «Алишер Навоий Самарқанддаги Улғубек мадрасасида» асари ҳам

мақтовга лойиқдир. Тарихий манбадан маълумки, Навоий ёш лиғида Самарқандда таълим тахсил кўрган. Бу ерлик шоир ва олимлар билан ҳамфир бўлган. Расм шоирнинг Улғубек мадрасаси бўғаларидан бирда турганлигини тасвирлайди. Расм хона деворларига ўйиб ишланган ғузал нақшларини, ўйамор нур синарли ҳам ўз суратида акс эттирган.

Расм А. Циглицевнинг Алишер Навоий асарлари ва ҳаётига онд суратлари ҳам музей залини алоҳида беаза турибди. Бу суратлар орасида «Шоирнинг болалиги», «Навоий ва Гули», «Навоий шоир ва мусиқчилар орасида» каби асарлар ҳозирги кун тасвирий санъатининг энг яхши намуналаридандир. Шунингдек, В. Пашининг «Фарҳод ва Ширин», Г. Чигановнинг «Этти сайёра», К. Баширнинг «Навоий Ҳиротда», А. Назировнинг «Мутафаккир Навоий» каби асарлари Ленинградда чиқарилган «Алишер Навоий тасвирий санъатда» номи альбомга киритилган.

Ўзбек тасвирий санъат усталари буюк мутафаккирининг юбилейига ана шундай ажойиб тўёна ҳозирлашди.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

ИЛМИЙ КЕНГАШ

Яқинда ТошДува Навоий туғилган кунининг 525 йиллик юбилейига бағишланган илмий кенгаш бўлиб ўтди.

Университет ректори академик С. Х. Сирожиқидинов кўн сўзи билан йиғилишни очди. Ўзбек адабиёти кафедрасининг мудир профессор Р. Каримов «Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти», доцент А. Ҳамроев «А. Навоий яшаган давр», профессор Л. П. Калмоков «Алишер Навоий ва бизнинг замонамиз» деган темаларда доклад қилди.

Университетда илмий конференция бўлиб ўтди. Унда ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчилари доцент С. Н. Нарзуллаев ва «Совет Шарқи халқлари адабиётида «Лайли ва Мажнун» достонининг сюжетини», доцент С. Д. Долимов «А. Навоий ва XIX аср Хоразм адабиёти», профессор Ф. А. Абдуллаев «А. Навоий ва XV аср ўзбек адабиётини», доцент М. Саидов «А. Навоий ва фольклор», деган темаларда доклад қилдилар.

Т. РАВШАНОВ.

Мирзо ТУРСУНЗОДА,
Леани мукофотининг лауреати. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Авалло, буюк устоз ҳанда икки оғиз гап. Мен саводимни эсини мактабда чиқарганиман.

Ушанда Ҳофиз, Ведел асарларини қизиқиб билан мутулаа қилар эдик. Домла Навоий асарларини ўқини буюрганлардан ҳамон эсимда. Китобни талашиб, ташмалик билан ўқиганимиз.

XV асрда Шарқнинг шеърят хазинаси икки сиймо — Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижоди билан фарқланади.

Лекин ундан кейин ана шундай тенгсиз икки талант соҳиб бўлганлигини билмайман.

Бу икки буюк зотни бир-биридан ажратиб, бир-биридан усун қўйиш мумкин эмас.

Жомий ўша давр форс классик адабиётининг охириги

ШЕЪРИЯТИМИЗ ФАХРИ

давомчиси ҳисобланади. Шеърят булундай қайнаб-тошган бир пайтда Навоий ижод осмонига кўнш бўлиб порлади. Уша вақтда ижод этган шоирлар шу нурули кўнш атрофидаги юлдузлардир.

Навоийни қўншта тенглаштирдик. Бу қўнш ҳамон порлаб турибди. Бундан минг-минг йилларча кейин ҳам шундай бўлади, Алишер Навоийнинг фаоллиги унинг мактаби билан ҳам юксак баҳоланади. Мактаб — шеърят хазинаси ҳамма учун энг қимматли мулкдир.

Жомий ва Навоийнинг дустлиги, фикрдошлиги, маслақдошлиги ҳақнда жуда кўн яхши гаплар айтилган. Бу дустлигини икки азим дарёнинг қўншилишига, икки тоғнинг туташилишига ўхшатиш мумкин. Навоийнинг

интернационалист десак, тўғри баҳолаган бўламиз. У ўз халқининг маданиятини, санъатини, бадийи ижодиётини севаган. Ўз онэ тилида фахр билан заънашавққа тўлиб ижод этган.

Ўз маданиятини севаган киши бошқа халқларнинг маданиятига ҳурмат билан қарайди. Фикринининг далили учун Навоийнинг форс тилини ва унинг бадийи ижодини мукаммал ўрганиган, тўла-тўқис билганлигини айтиш қийоқ. Шунинг учун ҳам у форс тилида Фойий таҳаллуси билан ижод этган.

Унинг форс тилидаги асарларини кўлға олсак, Навоийнинг истеъдоди қамолот чўқисига чиққанлигига тан берамиз. Икки тилда ижод қилиш, икки халқ ҳурматига сазовор бўлиш

жуда машаққатли меҳнатни тақозо қилади.

Ўша даврда «Ҳамса»чиллик ижодининг катта мусобақасига айланган. Навоийнинг «Ҳамса»сидоги «Фарҳод ва Ширин» дostonи бошқаларикидан ўзининг ғолиби, кўнлигини билан усун туради. Шоир уша сопиал мотивни юқори пардаларда, оҳангли бурттириб бера олган. Шоир бу дoston орқали ўз халқининг оруз-истакларини ифода этган.

Навоий тоғни халқининг ҳам энг сеvimли классик шоирдир. Чунки унинг ижод мулкни биргиси ўзбек халқинингига эмас, балки жаҳон маданиятининг қимматбаҳо мулкига айланган.

Шунинг учун ҳам унинг муборак тўйини Тоғжонистонда ҳам катта тантана сифатида ўтказмоқдалар.



Енгин МИРЗО.

Реклама
ВА **Глобал**
ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Р. 08780
ИНДЕКС — 6469.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛОВ